

2-МАВЗУ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ, ҲАЖМИ ВА ИХТИСОСЛАШИШНИ БАҲОЛАШ.

1. Фермер хўжалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини баҳолаш.
2. Фермер хўжалигини ташкил этиш тамойиллари ва тартиби ва ривожланиши.
3. Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари
4. Хўжаликларда асосий ва бошқа тармоқлар тузилмаси ва ихтисослаштиришни баҳолаш.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: Маъруза, «ақлий хужум», намойиш этиш.

1. Фермер хўжалигининг моҳияти, ривожланиш хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ни баҳолаш.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 1-бандида «Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқориши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир», - деб белгилаб берилган.

Фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар хоҳишига кўра ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай тури билан шуғилланишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий негизини ишлаб чиқариш воситаларига (ер бундан мустасно) ва ўз меҳнати натижаларига мулкий эгалик ташкил этади ва у тадбиркорлик эркинлиги, оила ҳамда шахснинг ўз моддий фаровонлиги йўлида меҳнат қилишига таянади. Мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида у мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги хўжаликлар билан тенг ҳуқуқларга эга ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг жамоа, ширкат ёки ҳиссадорлик каби йирик хўжаликлардан асосий фарқи ва устунлик томони эса фермернинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита бирикувида, яъни мулк ва меҳнат натижаларини тасаруф этиш бўйича масалаларни мустақил ҳал этишидадир.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг шакллари билан бири сифатида ўзига хос бўлган ижтимоий-психологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга (1-чизма).

Фермер хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисини фойдали меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш ҳамда шу асосда энг кам сарф-харажат бирлиги эвазига маҳсулот етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат.

Фермер хўжалиги мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатида ўзига хос бўлган маълум бир тамойилларга таянади:

1) Фермер хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади, яъни, фермер хўжалиги аъзолари ўз хоҳишлари, манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб хўжаликни ташкил этадилар. Улар ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш ва ўзлаштириш, бошқа хўжаликлар ва давлат органлари билан муносабатларни ҳам мустақил равишда амалга оширадилар. Қисқача қилиб айтганда фермерлар тўлиқ танлов ва тадбиркорлик эркинлигига таянадилар.

1.	Ижтимоий-психологик жиҳатдан	Жамиятнинг бошланғич бўғини - оила ва унга хос бўлган ахлоқий-тарбиявий қадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий қатлами
2.	Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан	Юридик шахс мақомига (ўз баланси, ҳисоб рақами, муҳри ва бошқ.) эга бўлиши шарт
3.	Меҳнат муносабатлари жиҳатидан	Хўжаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин
4.	Ишлаб чиқариш йўналиши жиҳатидан	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йўналтирилган товар хўжалиги
5.	Мулкий муносабатлар жиҳатидан	- ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик; - ер майдони узоқ муддатли ижарага (энг камида 30 йилдан узоғи билан 50 йилгача) берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш мумкин.

1-чизма. Фермер хўжалигининг хусусиятлари

2) Фермер хўжалигида мулк эгаллиги ҳуқуқи алоҳида хусусиятга эга. Фермер хўжалигидаги мол-мулк шу хўжалик аъзоларининг хусусий мулки бўлганлиги туфайли, улар бу мулкни яхши сақланиши ва кўпайиб боришидан манфаатдордирлар. Бу эса фермерларда мулкдан оқилона фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Ер майдонининг 50 йилгача муддат билан ижарага, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш билан берилиши эса ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, тупроқ таркиби ва ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришга рағбат яратади.

3) Фермер алоҳида статусга эга шахс сифатида юзага чиқади, яъни бунда ўз меҳнати билан ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи меҳнаткаш, юқори фойда олишни кўзлаб ўз мол-мулкни таваккалчилик асосида ишлаб чиқаришга жалб этган тадбиркор ва маълум бир интеллектуал қобилиятга эга бўлган бошқарувчи бир шахс тимсолида мужассамланади.

4) Фермер хўжалигида меҳнатнинг характери ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Аграр ишлаб чиқаришнинг доимий равишда жонли организмлар билан боғлиқ ҳолда юритилиши, бу соҳада ишлаб чиқаришга ҳақиқий жавобгарлик ҳисси билан ёндашувчи, унинг натижаларидан бевосита манфаатдор шахслар меҳнат қилиши лозимлигини кўрастади. Фермер фақат унинг ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган эркин, ижодий меҳнатдагина ўзининг қобилиятлари ва маҳоратини тўлалигича намоён эта олади.

5) Фермер хўжалигини асосини жамиятининг бошланғич бўғини - оила ташкил этади. Оилавий хўжаликда ўзгача ижтимоий ва маънавий муҳит мавжуд бўлиб, бу ерда ҳар бир шахснинг манфаати бутун оила манфаати билан қўшилиб кетади. Бунда меҳнат жамоаси вакилларининг бир-бирига бўлган ишончи юқорилиги сабабли, ҳар бир киши умумий оила фаровонлиги йўлида виждонан ва сифатли маҳнат қилади, меҳнат ва унинг натижаларини қадрлашга ўрганади, ўзаро ёрдам ва шахсий жавобгарлик хислатларига мослашади.

6) Фермер хўжалиги асосан бозорга йўналтирилган майда товар хўжалиги сифатида бозор конъюктурасига тез мослашувчан бўлади. Бундай хўжаликлар бозор ҳолатидаги озгина ўзгаришни ҳам тезда илғаб, бозордаги истеъмолчилар талабига мос таклиф билан чиқишга интилади. Фермернинг маҳсулотига ўрнатиладиган баҳо бозорда, харидорлар томонидан ўрнатилиши туфайли, унинг учун маҳсулот сифатини харидорлар дидига мослашдан бошқа илож қолмайди. Бу ҳолатлар бир томондан аҳолини зарур маҳсулотлар билан ўз вақтида, керакли микдорда ва сифатда таъминлаш имконини яратса, иккинчи томондан бозорлар мўл-кўлчилиги шароитида баҳоларнинг аста-секин арзонлашиб боришига сабаб бўлади.

7) Фермер хўжалиги республикамиз қишлоқ хўжалигида эндигина шаклланиб келаётган тадбиркорлик шаклларида бири сифатида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берувчи кучли рағбатлардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида айнан шу хусусий тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш орқали ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиш мўлжалланган.

8) Ҳар қандай иқтисодий системада ишлаб чиқариш самадорлигини юксалтиришнинг энг муҳим шартларидан бири-бу турли мулк шаклларида асосланган товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги ва улар ўртасида вужудга келадиган соғлом рақобатдир. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, соғлом рақобат кураши вужудга келиши учун жамиятда мулк шаклларидаги хилма-хиллигини таъминлаш зарур.

Фермер хўжаликлари аграр соҳада янги уклад сифатида шаклланиб бориши бир томондан ҳақиқий мулк эгаллигининг вужудга келишига имкон яратса, иккинчи томондан мулкчиликнинг бошқа турларига асосланган корхоналар билан маълум даражада рақобат кураши муҳитини яратишга йўл очади.

Фермер хўжаликларида устуворлик берилишининг сабаблари:

- умумий (жамоа) мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш;
- умумий (жамоа) жавобгарлигидан шахсий жавобгарликка ўтиш;
- моддий-техник ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва пировард натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- мол-мулк ва ишлаб чиқаришга бўлган шахсий муносабат ва моддий рағбатни ошириш;
- фермернинг ягона мулк эгаси эканлиги, хўжаликнинг устав капиталини ўзи шакллантириши ва уни мустақил бошқариши;
- бошқариш, сотиш ва бошқа операцион сарфлар билан боғлиқ ноишлаб чиқариш харажатлари кескин камайиши;
- фермернинг маҳсулот етиштириш, сотиш ва даромаддан фойдаланишда мустақил эркинликка эга эканлиги;
- «яхши меҳнат қилган деҳқон яхши даромад олиши ва пировард натижада яхши ҳаёт кечириши керак» деган тамойилнинг амал қилиши;

- жаҳон тажрибасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигидаги энг асосий хўжалик юритиш шакли эканлиги;
- ер участкаларини 30-50 йил муддат билан ижарага олганда ердан асраб-авайлаб фойдаланишга, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб боришга рағбат уйғониши;
- фермернинг юридик шахс сифатида фаолият юритиши, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартномаларни мустақил тузиши ва мажбуриятлар бўйича жавоб бериши;
- ширкат хўжаликлари билан қиёсий таққослаганда фермер хўжаликларида моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги юқори эканлиги ва бошқалар;
- давлат буюртмасидан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотга эркин баҳо қўя олиш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишдан келган соф фойдани мустақил тасарруф этиш имконияти.

2. Фермер хўжалигини ташкил этиш тамойиллари ва тартиби ва ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги фармонида фермер хўжаликларини шакллантиришнинг қуйидаги тамойиллари белгилаб берилган:

- фермер хўжаликлари қоида тарикасида, тугатиладиган, зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкатлар негизда барпо этилади;
- фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;
- ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;
- фермер хўжаликларига бериладиган ер майдонлари бўйича узоқ муддатли ижара шартномаси тўғридан-тўғри туман ҳокимлари билан тузилади.

Фермер хўжаликларини тузишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Махсус республика фондидаги, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ва янги суғориладиган мавзелардаги ерлар ҳамда захира ерларда махсус давлат ер фондидини шакллантириш орқали фермер хўжаликларини тузиш.
2. Зарар кўриб ишлаётган, давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича тузилган контрактация шартномаларини сурункасига бажармай келаётган паст рентабелли фермер хўжаликларини қайта ташкил этиб фермер хўжалиги тузиш.

Махсус тузилган ер фонди негизда фермер хўжаликларини тузиш ислохотларнинг дастлабки босқичларида кўпроқ аҳамиятга эга бўлган. Чунки, барча экин майдонлари йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансида бўлган ҳамда фермер хўжаликлари ўзларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини республика миқёсида кўрсатиб боришга улгурмаган илк босқичларда уларни шакллантириш асосан ҳукуматнинг топшириғига мувофиқ махсус ер фонди тузиш орқали амалга оширилган.

Фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ амалга оширилади. Низомга мувофиқ фермер хўжалигини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

1. Давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси, бунда юридик шахс бўлган фермер хўжаликлари учун - фақат устав).

2. Давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати.

3. Бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотноманинг асл нусхаси.

4. Уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

5. Туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори нусхаси тақдим этилади.

Фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш деҳқон хўжалигини доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Фермер хўжалигига давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг давлат реестрига киритади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида фермер хўжалиги ҳақидаги давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги статистика, солиқ органлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига тақдим этади.

Маълумотлар олингач икки кун муддатда:

- солиқ органлари - фермер хўжалигини, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга бадал тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) суғурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан ташқари) ҳисобга қўяди, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилади;

- статистика органлари - юридик шахсни корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрига киритади, рўйхатдан ўтказиш картасини тўлдиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига тадбиркорлик субъектига берилган кодларни расман маълум қилади;

- ички ишлар органлари муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга эскизнинг икки нусхаси билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани юборади.

Фермер хўжалигининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 7 иш куни мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўзлари келиб ёки почта алоқаси орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- фермер хўжалиги бошлиғининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;
- ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг фермер хўжалиги муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;
- номи ўзгарган тақдирда - давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва янги фирма номига бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи;
- устав фондининг миқдори кўпайтирилган тақдирда – фермер хўжалигининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган устав фонди миқдорининг шакллантирилганлиги ҳақидаги ҳужжат;
- устав фонди камайтирилган тақдирда - уларга маълум бўлган барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор ҳақида ахборот эълон қилинганлигининг тасдиғи (уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайтирилиши ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма равишда хабардор этилган ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда тақдим қилинади);

Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар бўлажак фермернинг ўзи ёки шартнома асосида туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори ариза берувчи ариза берган кундан бошлаб 3 иш кунида, туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори билан бир пайтда қабул қилинади. Шундан сўнг туман ҳокимлиги янги ташкил этилган фермерга «Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» ги гувоҳнома ва туман ҳокимияти муҳри билан тасдиқланган «рўйхатга олинган» белгисига эса таъсис ҳужжатларини ҳамда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани топширади.

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган туб иқтисодий ислохотлар ва тармоқни келгусида ривожлантириш истикболлари фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга боғлиқ бўлиб бормоқда.

3. Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

Ҳар қандай хўжалик юритиш шакли муайян бир ижтимоий -иқтисодий тизимда вужудга келиш ва ривожланиш жараёнида ташкилий иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик характердаги бир қатор омиллар таъсирида шаклланиб, ўзига йўл очиб боради.

Фермер хўжалигининг вужудга келиши ва шаклланишида унинг ташкилий-иқтисодий асослари муҳим аҳамият касб этади. Фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар хоҳишига кўра, ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этади.

Фермер хўжалиги туман (шаҳар) ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ва мулкӣ тусда бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра фермер хўжалиги ташкилий-ҳуқуқӣ жиҳатдан:

- хўжалик аъзоларнинг биргаликдаги фаолиятига асосланган;
- ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи;
- ўз номи ўйиб ёзилган ҳамда герб тасвири туширилган муҳрга ҳамда штампга эга, юридик шахс мақомидаги;
- банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалар очадиган;
- бошқа корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда муассасалар билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларга киришувчи мустақил хўжалик юритиш субъекти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик юритиш шакллари билан тенг шароитларда ва соғлом рақобат асосида ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқӣ-меъёрий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Бош Қомуси, «Фуқаролик Кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, республика Президентнинг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фермер хўжаликлари фаолиятининг мулкӣ дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлашга ҳамда қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Фермер хўжалиги фаолиятининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- уставда назарда тутилган доирада ва ижара шартномасида белгиланган ихтисослашувга мувофиқ ўзига берилган ер участкасида ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;
- ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш;
- тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун сотиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик шартномалари тузиш;
- ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, шу жумладан, уни ўзи хоҳлаган истеъмолчиларга сотиш ва харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;
- тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;
- кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларига мувофиқ жалб қилиш;
- кредит олиш учун ер участкасидан фойдаланишни ижарага бериш ҳуқуқини ва етиштирилган маҳсулотни гаровга қўйиш;
- кичик ва хусусий корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни ишга ёллаш (доимий ва вақтинчалик асосда) ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

- ихтиёрий равишда бирлашиш, шу жумладан, улуш (пай) асосида бирлашиш, жамиятлар, иттифоқлар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш;

- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича судга мурожаат қилиш.

- фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.

Қонунга мувофиқ фермер хўжалиги зиммасига қуйидаги мажбуриятлар ҳам юклатилади:

- ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

- экология талабларига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиш;

- ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;

- ер участкасидан, башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил мобайнида фойдаланиш;

- пахта ва ғаллани навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;

- сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланиш;

- хўжалик ички мелиорация тармоғини тозалаш ва таъмирлаш; сервитутларга риоя этиш;

- фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўлиқ жавоб бериш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда стандартлар талабларига риоя қилиш;

- қишлоқ хўжалиги зарарқунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб бориш.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий асослари мулкчилик муносабатларига бориб тақалади. Фермер хўжалиги ўзига қарашли хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек, фермер хўжалиги балансида бўлган бошқа мол-мулкнинг, ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотнинг, олинган даромад (фойда)нинг ва қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

Фермернинг пул ва моддий маблағлари, товарларни сотишдан, ишларни бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, фаолиятнинг бошқа турларидан

олинган даромад (фойда), қимматли қоғозлардан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари ва қонун ҳужжатларида тақиқанмаган бошқа манбалар фермер хўжалиги мол-мулкани шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалигининг мол-мулки фермерга тегишлидир, у қонунга мувофиқ ушбу мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Фермер хўжалигининг мулки умумий (улушли ёки биргаликдаги) эгалик асосида унинг аъзоларига тегишли бўлади. Аъзоларнинг истагига кўра хўжалик ҳар бир аъзосининг мулкдаги улуши пай асосида белгилаб қўйилишимумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш аъзоларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилади. Хўжалик фаолияти натижасида олинган фойданинг фермерлар ихтиёрида қоладиган якуний қисми ҳам, аъзоларнинг мулкдаги улушига мос ҳолда тақсимланиши мумкин.

Мулкдан фойдаланиш буйича шартнома тузилиши хўжалик аъзолари орасида келиб чиқадиган турли ихтилофларнинг олдини олади.

Ерга эгалик масаласи фермер хўжалигининг мулкчилик муносабатларида асосий ўринни эгаллайди. Негаки, бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи, негизи - ерга мулкчилик масаласидир.

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага берилади. Ижара муддати қонунга мувофиқ камида 30 ва кўпи билан 50 йил қилиб белгиланган. Ер участкасининг ижара муддати тамом бўлгандан кейин фермер хўжалиги ижара шартномасини янги муддатта узайтириш (муддатини чўзиш) ҳуқуқига эгадир.

Фермер хўжалиги раҳбари вафот этган тақдирда, ер участкасига ижара ҳуқуқи ва ижара шартномасини янги муддатта узайтириш (муддатини чўзиш) ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос бўйича ўтади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, гаров объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Фермер хўжалигининг муассиси бўлган шахс унинг раҳбари ҳисобланади. У ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлиши керак. Фермер хўжалиги бошлиғи хўжалик фаолиятини бошқаришга оид барча масалаларни яққабошчилик тамойили асосида мустақил ҳал этади.

Фермер хўжалигининг фаолияти фермернинг ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишловчи шахсларнинг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, томонларнинг келишувига биноан ҳам пул тарзида, ҳам натура тариқасида тўланади. Фермер хўжалигида ишланган вақт меҳнат стажига қўшилади. Ижтимоий суғурта бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин бутунлай фермер хўжалигининг ихтиёрига ўтади.

Фермер хўжалиги куйидаги ҳолларда тугатилади:

- ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда, хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган меросхўр бўлмаганда;

- фермер хўжалиги кредиторлик қарзларини тўлашга ноқобиллиги туфайли банкрот деб эълон қилинганда;
- ер участкасини давлат эҳтиёжлари ва бошқа жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлганда;
- ер тўғрисидаги қонунлар фермер хўжалиги томонидан бузилганлиги оқибатида ер участкасининг ижара шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганда;
- давлат эҳтиёжлари учун контракция шартномасида назарда тутилмаган экинлар экилганда;
- фермер хўжалиги раҳбари (фермер) нинг қарорига биноан;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан.

3. Фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

Ҳар қандай хўжалик юритиш шакли муайян бир ижтимоий -иқтисодий тизимда вужудга келиш ва ривожланиш жараёнида ташкилий иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик характердаги бир қатор омиллар таъсирида шаклланиб, ўзига йўл очиб боради.

Фермер хўжалигининг вужудга келиши ва шаклланишида унинг ташкилий-иқтисодий асослари муҳим аҳамият касб этади. Фермер хўжалиги уни тузаётган аъзолар хоҳишига кўра, ихтиёрий ташкил этилиб, ўз ишлаб чиқаришини белгиланган қонунчилик доирасида юқори фойда олишни кўзлаб ташкил этади.

Фермер хўжалиги туман (шаҳар) ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ва мулкӣ тусда бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра фермер хўжалиги ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан:

- хўжалик аъзоларнинг биргаликдаги фаолиятига асосланган;
- ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи;
- ўз номи ўйиб ёзилган ҳамда герб тасвири туширилган муҳрга ҳамда штампга эга, юридик шахс мақомидаги;
- банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалар очадиган;
- бошқа корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда муассасалар билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларга киришувчи мустақил хўжалик юритиш субъекти ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик юритиш шакллари билан тенг шароитларда ва соғлом рақобат асосида ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Бош Қомуси, «Фуқаролик Кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, республика Президентнинг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фермер хўжаликлари фаолиятининг мулкӣ дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлашга ҳамда қўллаб-қувватлаш вазибаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Фермер хўжалиги фаолиятининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- уставда назарда тутилган доирада ва ижара шартномасида белгиланган ихтисослашувга мувофиқ ўзига берилган ер участкасида ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

- ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда мустикал равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш;

- тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;

- юридик ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун сотиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик шартномалари тузиш;

- ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, шу жумладан, уни ўзи хоҳлаган истеъмолчиларга сотиш ва харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

- тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

- кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларига мувофиқ жалб қилиш;

- кредит олиш учун ер участкасидан фойдаланишни ижарага бериш ҳуқуқини ва етиштирилган маҳсулотни гаровга қўйиш;

- кичик ва хусусий корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни ишга ёллаш (доимий ва вақтинчалик асосда) ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

- ихтиёрий равишда бирлашиш, шу жумладан, улуш (пай) асосида бирлашиш, жамиятлар, иттифоқлар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш;

- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича судга мурожаат қилиш.

- фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.

Қонунга мувофиқ фермер хўжалиги зиммасига қуйидаги мажбуриятлар ҳам юклатилади:

- ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

- экология талабларига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиш;

- ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;

- ер участкасидан, башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил мобайнида фойдаланиш;

- пахта ва ғаллани навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;

- сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланиш;

- хўжалик ички мелиорация тармоғини тозалаш ва таъмирлаш; сервитутларга риоя этиш;

- фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўлиқ жавоб бериш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда стандартлар талабларига риоя қилиш;

- қишлоқ хўжалиги зарарқунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб бориш.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий асослари мулкчилик муносабатларига бориб тақалади. Фермер хўжалиги ўзига қарашли хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек, фермер хўжалиги балансида бўлган бошқа мол-мулкнинг, ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотнинг, олинган даромад (фойда)нинг ва қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

Фермернинг пул ва моддий маблағлари, товарларни сотишдан, ишларни бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромад (фойда), қимматли қоғозлардан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари ва қонун ҳужжатларида тақиқанмаган бошқа манбалар фермер хўжалиги мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалигининг мол-мулки фермерга тегишлидир, у қонунга мувофиқ ушбу мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Фермер хўжалигининг мулки умумий (улушли ёки биргаликдаги) эгалик асосида унинг аъзоларига тегишли бўлади. Аъзоларнинг истагига кўра хўжалик ҳар бир аъзосининг мулкдаги улуши пай асосида белгилаб қўйилишимумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш аъзоларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилади. Хўжалик фаолияти натижасида олинган фойданинг фермерлар ихтиёрида қоладиган якуний қисми ҳам, аъзоларнинг мулкдаги улушига мос ҳолда тақсимланиши мумкин.

Мулкдан фойдаланиш буйича шартнома тузилиши хўжалик аъзолари орасида келиб чиқадиган турли ихтилофларнинг олдини олади.

Ерга эгалик масаласи фермер хўжалигининг мулкчилик муносабатларида асосий ўринни эгаллайди. Негаки, бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи, негизи - ерга мулкчилик масаласидир.

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага берилади. Ижара муддати қонунга мувофиқ камида 30 ва кўпи билан 50 йил қилиб белгиланган. Ер участкасининг ижара муддати тамом бўлгандан кейин фермер хўжалиги ижара шартномасини янги муддатта узайтириш (муддатини чўзиш) ҳуқуқига эгадир.

Фермер хўжалиги раҳбари вафот этган тақдирда, ер участкасига ижара ҳуқуқи ва ижара шартномасини янги муддатта узайтириш (муддатини чўзиш) ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос бўйича ўтади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, гаров объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Фермер хўжалигининг муассиси бўлган шахс унинг раҳбари ҳисобланади. У ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлиши керак. Фермер хўжалиги бошлиғи хўжалик фаолиятини бошқаришга оид барча масалаларни яккабошчилик тамойили асосида мустақил ҳал этади.

Фермер хўжалигининг фаолияти фермернинг ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишловчи шахсларнинг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, томонларнинг келишувига биноан ҳам пул тарзида, ҳам натура тарикасида тўланади. Фермер хўжалигида ишланган вақт меҳнат стажига қўшилади. Ижтимоий суғурта бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин бутунлай фермер хўжалигининг ихтиёрига ўтади.

Фермер хўжалиги қўйидаги ҳолларда тугатилади:

- ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда, хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган меросхўр бўлмаганда;
- фермер хўжалиги кредиторлик қарзларини тўлашга ноқобиллиги туфайли банкрот деб эълон қилинганда;
- ер участкасини давлат эҳтиёжлари ва бошқа жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлганда;
- ер тўғрисидаги қонунлар фермер хўжалиги томонидан бузилганлиги оқибатида ер участкасининг ижара шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганда;
- давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган экинлар экилганда;
- фермер хўжалиги раҳбари (фермер) нинг қарорига биноан;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан.

4. Хўжаликларда асосий ва бошқа тармоқлар тузилмаси ва ихтисослаштиришни баҳолаш

Республикамиз ҳукумати томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан тадбирлар натижасида йилдан-йилга фермер хўжаликларининг мамлакат аграр тармоғида тутган ўрни мустаҳкамланиб, яратилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида уларнинг салмоғи ортиб бормоқда. 2016 йил якунига келиб қишлоқ хўжалигидаги жами экин майдонларининг 84,4 фоизи, пахта майдонининг 98,4 фоизи, дон экинлари майдонининг 83,4 фоизи, сабзаёт экин майдонининг 34,8 фоизи, полиз экинлари майдонининг 53,8 фоизи ва ем-хашак экинларининг 69,7 фоизи фермер хўжаликлари тасарруфида эди.

Фермер хўжаликлари 2016 йилда пахта хом ашёсининг 99,1 фоизини, доннинг 79,2 фоизини, сабзаотларнинг 32,9 фоизини ва полиз маҳсулотларининг 47,1 фоизини етиштириб бердилар.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари тубдан ислоҳ қилиниб, хусусий сектор аҳамиятининг кескин ошиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида ширкат хўжаликларининг салмоғи 2002 йилдаги 25,9 фоиздан 2008 йилда 2,3 фоизга тушган, яъни деярли ўн бир марта камайган. Шу давр оралиғида фермер хўжаликлари салмоғи ошиб бориб, 10,0 фоиздан 32,6 фоизга етган, ёки деярли 3,3 баробар ўсган (1-жадвал).

Ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг салмоғи муттасил ўсиб бормокда. Жумладан, фермер хўжаликларининг ўсимликчилик ялпи маҳсулотидаги улуши 2002 йилда 17,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 54,4 фоизга етди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши 2002 йилда 2,0 фоизга, 2016 йилда 4,1 фоизга тенг бўлди. Статистик маълумотларга қараганда 2016 йил якуни бўйича республикамизда 160 минг фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган.

Мутахассисларнинг фикрича фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини юксалтириш оқибатида қуйидаги натижаларга эришилди:

- хусусий мулкчилик ривожлантирилиб, фермер хўжаликларида мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди, уларда мулк эгаллиги ҳиссиёти шаклланди;
- фермер мулк эгаси бўлиб, унга хўжаликнинг устав капиталини мустақил шакллантириб, бошқариш имконияти берилди;
- ер ижараси муддатининг 30 йилдан 50 йилгача белгиланиши натижасида фермерларда ердан самарали фойдаланишга рағбат шакллантирилди;
- фермер хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлиб, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномаларни мустақил равишда тузиб, унинг бажарилишига ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқда жавоб бериш ҳиссиёти шаклланди;
- давлат буюртмасидан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотга эркин нарх қўйиш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлди;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан келган соф фойдани мустақил тасарруф этиш имконияти шаклланди ва ҳ.к.о.

1-

жадвал

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги салмоғини боҳолаш (барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2002	2005	2010	2015	2016
Экин майдонлари ва чорва моллари бош сониди:					
Жами экин майдони, ш.ж.	28,0	37,0	74,5	84,17	84,4
Пахта	32,6	41,1	87,6	98,5	98,4
Дон экинлари	27,0	38,0	73,0	82,8	83,4
Картошка	4,3	4,5	9,9	14,2	16,3
Сабзаотлар	8,2	12,0	29,1	33,5	34,8
Полиз экинлари	23,6	41,2	51,9	54,8	53,8
Ем-хашак экинлари	25,1	30,0	60,5	68,0	69,7
Йирик шохли қорамол	5,0	5,0	5,3	5,6	6,0

ш.ж. сигирлар	3,6	3,6	4,1	4,4	4,9
Қўй ва эчкилар	3,0	3,1	5,4	6,9	7,4
Чўчқалар	11,7	14,1	16,1	16,8	13,8
Паррандалар	3,9	4,4	3,6	5,0	8,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда:					
Пахта хом ашёси	29,0	37,8	87,0	98,4	99,1
Дон	26,7	36,1	71,2	79,8	79,2
Картошка	3,8	4,0	10,6	15,0	16,2
Сабзавотлар	7,4	10,7	30,4	33,2	32,9
Полиз маҳсулотлари	16,5	30,3	43,8	49,5	47,1
Мева	7,0	7,4	41,3	45,7	46,3
Узум	6,6	5,6	50,8	54,5	51,5
Гўшт	2,0	2,0	2,1	2,5	2,5
Сут	2,2	2,1	2,3	2,5	2,8
Тухум	3,4	3,7	3,6	4,0	6,4
Жун	1,5	1,8	4,2	4,9	5,4
Қоракўл тери	2,0	2,1	4,3	4,7	4,3
Пилла	4,7	10,5	68,5	84,2	95,0

Манба: Сельское хозяйство Узбекистана (за 2002-2016 г.г.), статсборники, Госкомстат Республики Узбекистан

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Фермер хужалиги деб нимага айтилади?
2. Фермер хужалигининг вазифаси нимадан иборат.
3. Фермер хужалигини ташкил этишнинг қандай тамойиллари мавжуд?
4. Фермер хужаликлари қандай тартибда ташкил этилади?
5. Фермер хужалигининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2008. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
2. Абдувасиқов А.А., Тўхтаева С.Ф. Агросаноат мажмуаси корхоналарида инвестициялаш ва лойиҳалар таҳлили. Ўқув кўлланма.-Т.: 2009.-187 б.
3. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. –М.: Финансы и статистика, 2008.- 176 с.